**Шаропов Илҳом Исмоилович:** " Иқтисодиётнинг нодавлат секторида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари" (5А230601 "Давлат молиясини бошқаиш")

**Илмий раҳбар: и.ф.н доцент** Рустамов Д

**Тадқиқот мақсади:** Иқтисодиётнинг нодавлат секторида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари

Бўйича илмий таклиф илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- Иқтисодиётнинг нодавлат секторида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;
- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти
- Инвестиция фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиши
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўналишлари

**Магистратура бўлими талабаси**: Шаропов Илҳом Исмоилович

**Илмий раҳбар: и.ф.д., доцент** Рустамов Д

## 1.1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти

Миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юритишни талаб этади. Инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади.

Мазкур вазифани ечиш борасида Давлат бюджетини ривожлантириш, унинг истиқбол режаларини белгилашни такомиллаштириш, бюджетсолиқ сиёсатини яхшилаш, молия ресурсларидан унумли фойдаланиш, иқтисодиётда ишлаб чиқариш тармоқлари таркибини янада такомиллаштириш, унда фан-техника тараққиётини таъминловчи тармоқлар ривожини белгилаш, солиқ сиёсатини эркинлаштириш, инвестицияларнинг аҳамиятини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестиция фаолиятини янада ривожлантириш, инвестиция сиёсати йўналишларини ўзгартириш, бу соҳани молия-лаштириш механизмини такомиллаштириш муаммоларини илмий жиҳатдан янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади.

Биз иқтисодиёт тармоқларини таркибий қайта қурмасдан, илғор замонавий технологияларни қўлламасдан ва республикамиз учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни ривожлантирмасдан иқтисодий мустақилликка эриша олмаймиз. Бу муаммоларни ечиш республикамиз иқтисодиётига катта ҳажмда инвестициялар қўйишни талаб қилади.

Ҳозирги кунда “инвестициялар” тушунчаси, аксарият ҳолларда, кенг маънода ишлатилмоқда. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг мақсади, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва аҳамиятига қараб “инвестициялар” тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади.

Давлат молияси нуқтаи назаридан инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Инвестициялар атамаси лотин тилидаги “invest” сўзидан келиб чиққан бў-либ “қўйиш”, “маблағни сафарбар этиш” маъносини беради. Кенг маънода инвестициялар кўпайтириб, қайтариб олиш мақсадларида капитални боғлашни билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунида таъкидланишича, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объетларига аксарият фойда олиш мақсадларида киритиладиган моддий ва номоддий

неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларнинг жами турлари, жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқдир, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинадиган ҳар қандай даромад чет эл инвестициялари саналади"[1].

Айрим иқтисодчилар эса "инвестициялар бу пул маблағлари сарфлари бўлиб, даромаднинг жорий истеъмолга эмас, балки кела-жакда янада юқорироқ даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат бўлган жами ижтимоий ёки якка капитални такрор ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган қисми"[2], деб қарайдилар. Бошқача айтганда, инвестициялар ҳозирги муайян капитал қийматни кути-ладиган, келажакдаги ноаниқ қийматга алмашишини билдиради. Айрим адабиётларда мамлакат ичида ёки хорижда ишлаб чиқаришни, тадбиркорликни ривожлантириш, фойда олиш ёки бошқа натижалар олиш мақсадида турли тармоқлар, дастурлар ва айрим тадбиркорларга молиявий, мулкий ва интеллектуал неъматлар қўйилмаларининг жами турларини инвестициялар, деб кўрсатадилар.

Молиявий таъриф бўйича инвестициялар - хўжалик фаолиятига қўйиладиган жами турдаги активлар бўлса, иқтисодий таъриф бўйича инвестициялар асосий ва айланма капитални барпо этиш, кенгайтириш ёки қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлашга қилинган сарфхаражатлардир. Инвестициялар биринчи навбатда миллий даромад бир қисмининг ҳаракати бўлиб, улар миллий иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш параметрларини аниқлаб беради, истеъмол ва иқтисодий ўсиш қатъийлигини, ижтимоий ривожланишнинг келажагини реал акс эттиради.

Инвестиция – жуда кенг маънодаги тушунча. Шунинг учун инвестицияга ягона, ҳар томонлама таъриф бериб бўлмайди, чунки у жуда кенг ва чуқур маънодаги ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттиради. Инвесторлар капитални корхона қуришга ёки сотиб олишга йўналтирадилар, ишлаб чиқариш ускуналарини ёки поток линияларини сотиб оладилар, қимматли қоғозларга қўядилар. Акциялар, облигациялар сотиб оладилар, пул маблағларини банк депозитига маълум фоиз олиш учун қўядилар, ўз жамғармаларини ўзларининг илм ва маданий савияларини кўтариш учун сарфлайдилар, маълум маҳсулот ишлаб чиқариш учун патент ёки лицензия сотиб оладилар, капитални коллекциялаштириш учун қўядилар, шунинг учун китоблар, маркалар сотиб оладилар.

Ватанимиз иқтисодчиларидан Д. Тожибоеванинг фикрича, "инвестиция" деганда келажакда натижа учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва реконструкция қилиш, маҳсулот ва хизматлар сифа-тини яхшилашга мўлжалланган молиявий ресурслар тушунилади. Бу фикрга яна қўшимча равишда "инвестиция" деганда малакали

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан 1998 йил, 30 апрелда қабул қилинган ва 1998 йил 20 майдан амалга киритилган.

[2] Тумусов Ф.С.Инвестиционний потенциал региона: Теория, проблемы, практика. –М.: Экономика.1999. 13-бет.

мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларини олиб бо-ришга мўлжалланган молиявий ресурслар ҳам тушунилади.

Инвестицион фаолият икки макро ва микро даражада амалга оширилади. Биринчи даражада давлат миқёсида амалга оширилса, иккинчисида эса хўжалик юритувчи субъектлар,корхоналар, фирмалар, компаниялар ва бошқаларни амалга оширадилар.

Макроиқтисод даражасида инвестициялар деганда, миллий иқтисодиёт миқёсида ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, инсон омилини ривожлантиришга, уй-жой фондини, товар захираларини кўпайтиришга учун қилинган чиқимларнинг бир қисми тушунилади. Микроиқтисод даражасида инвестициялар деганда, корхона, фирма, корпорация, холдинг миқёсида капитални такрор ишлаб чиқаришга, захиралар миқдорини орттиришга ва шу кабиларга қилинган харажатларга, яъни фойданинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қисмини англатади.

Инвестициялар иқтисодиётни ривожлантиришда етакчи ўринни эгаллайди, чунки инвестиция орқали капитал жамғарилади ва унинг натижасида мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайтирилади ва иқтисодий ўсишга эришилади. Медицина тили билан айтганда, инвестиция бу иқтисодиётга қилинган инъекция бўлади. У иқтисодиётни соғломлаштиради ва бардам қилади.

Инвестициялаш субъектлари нуқтаи назаридан инвестицияларни хусусий, корпоратив ва давлат инвестицияларига ажратиш мумкин.

1-чизма

**Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг таснифланиши**




Чизмадан кўриниб турибдики, инвестицияларнинг мақсади ва улар билан боғлиқ рисклар, уларни йўналтириш соҳалари, инвести-циялаш объектлари, инвестициялаш субъектлари ва молиялашти-риш манбалари ишончлилиги ўртасида, бир назар ташлаганда кўзга кўринмас узвий алоқалар мавжудлигини аниқлаш мумкин.

Инвестицияларнинг асосий манбаи – давлат, уй хўжалиги, корхона, фирмалардир. Бошқача айтганда, миллий иқтисодиёт-даги ялпи даромаднинг истеъмол қилинмаган қисми ҳисобла-нади ва улар турли молия институтлари, банклар, жамғарма-ларда сақланади.

Бугунги кун амалиётида уч хил инвестиция турлари мавжуд: молиявий, моддий ва номоддий инвестициялар.

Молиявий инвестицияларга муддатли депозитга қўйилган банк қўйилмалари, кредитлашнинг ҳар хил формалари, эркин конверта-цияланадиган валютани сотиб олиш ҳам киради.

Моддий инвестициялар – материал объектлар яратилишини та-қозо қилади. Уларга кўчмас мулклар (бинолар, иншоотлар, ер участкалари,) транспорт инфратузилмаларга: ишлаб чиқариш уску-налари (станоклар, машиналар, поток линиялар, технологик комп-лексларга) айланма маблағлар (хом ашё, материаллар, бутловчи қисм ва механизмларга) қўйилган қўйилмалар киради.

Номоддий инвестициялар – инвестор капиталини кенгайтириш ва қайта такрор ишлаб чиқариш учун қўйилган номатериал қўйил-малар бўлиб, улар мулкий маблағлар балансида ўз аксини топмай-ди. Улар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун фирма ёки кор-хона ходимлари малакасини ва илм даражасини кўтариш ёки мам-лакат миқёсида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш учун қўйилган қўйилмалар ёки кенг маънода «инсон ин-теллектига» қўйилган маблағлар ва патент, лизензия, ноу-хау (ин-теллектуал капитал), инновациялар (кашфиёт ёки янги техника ва технология ечимлари) учун қўйилган қўйилмалар киради. Буларга яна ҳар хил ижтимоий тадбирлар ва дастурларни амалга ошириш учун қўйилган қўйилмалар киради. [1]

Тайинланиш объектига кўра, инвестицияларнинг капитал, инновацион, ижтимоий инвестицияларга бўлинишини айтиб ўтиши-миз керак. Капитал инвестициялар реал активларга сарфланади, инновацион инвестициялар техниканинг янги авлод ва янги технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга сарфланади.

Демак, инвестициялар ҳар қандай миллий иқтисодиёт учун муҳим ва дефицит ресурс бўлиб, улардан фойдаланиш иқтисодий салоҳиятни ошириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, мавжуд иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат ресурслари бандлик даражаси-ни кўтариш, таълим тизимини ривожлантиришдир. Бир сўз билан айтганда, аҳоли турмуш даражасининг кўтарилишига олиб келади.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвес-тиция фаолиятини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради. Иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида, аҳолининг турмуш даражасини ошириш имконини яратади. Учинчидан, бизнес ва хусусий тадбиркорликни

---

[1] Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. -Т.: Монография. «Мо-лия». 2003.- 27 б.

ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқари-шини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди. Шунингдек, корхонанинг эскирган ишлаб чи-қариш қувватларини моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхо-наларни барпо этишга кўмаклашади.

## 1.2. Инвестиция фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиши

Инвестициялар ялпи ички маҳсулотнинг бир бўлаги бўлиб, агар ялпи ички маҳсулот ҳажми ортса, инвестиция ҳажми ҳам ортади. Давлатнинг солиқлар ва бошқа тушумлар шаклида олган даромади бюджет орқали тақсимланиб, унинг ихтиёридаги инвестиция ре-сурсларини ташкил этади.

Давлатнинг инвестиция сиёсати унинг лойиҳаларни бюджетдан молиялаштириш билан чекланиши нотўғри бўлади. Бу сиёсат доира-сини кенгайтиради, унинг уч жиҳатига эътибор беради.

1. Давлатнинг ўз даромадлари ва олган қарзлари ҳисобидан инвестицияга йўналтириш.
2. Давлат томонидан миллий ва хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион шароит яратиш.
3. Давлат бюджети билан барча секторлардаги инвестиция фаолиятини рағбатлантириш.

Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатининг мана шу уч жи-ҳати амал қилади. Бозор иқтисодиётга ўтишнинг «Ўзбек модели»да давлат бош ислоҳотчи бўлгани боис, у бош инвестор ҳам ҳисобла-нади. Инвестиция субъектларининг бўлинишига қараб хусусий ва давлат инвестицияларига бўлинади. Давлат инвестициялари – бюд-жет ажратмалари, узоқ муддатли ссудалар ва бошқа жалб этилган ресурслар ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий инвестициялар - ўз хусусий капитали, заёмлар, шунингдек, жалб этилган капитал ҳисобидан амалга оширилади.

Давлатнинг инвестиция сиёсати унинг иқтисодий сиёсатини амалга оширилишига хизмат қилади. Ўзбекистон эндиликда замо-навий иқтисодиётга ўтиши керак. Бунга эса давлатнинг фаол инвес-торлиги орқали эришилади. Албатта, бу давлат укладининг инвес-тициялар борасидаги устуворлигини таъминлайди. Аммо бу бошқа укладлар ривожи учун ҳам зарур шарт-шароит яратади. Давлат ук-ладидаги инвестициялар миллий доирадаги такрор ишлаб чиқа-ришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳам инвестиция фаолиятини молиялаштириш кўрсаткичлари дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини эркинлашти-риш самарали кечаётганлигидан дарак беради. Бюджетдан инвести-циялаш давлат инвестиция фаолиятининг фақат бир жиҳатидир.

Бюджетдан ташқари ҳосил бўлган, лекин марказлаштирилган инвестициялар, шунингдек, давлат корхоналари инвестициялари ва хориж капиталининг давлат кафолатлаган инвестициялари унинг иккинчи жиҳатидир.  Давлат укладидаги инвестиция фаолиятини молиялаштириш қуйидаги манбаларга таянади: бюджет, корхона-нинг ўз маблағи ва кредитлар. Инвестицияларни укладлараро қиёс-лашда, биринчидан, капитал инвестицияси, иккинчидан, ишлаб чи-қариш тавсифидаги инвестициялар инобатга олиниши зарур бўлади.

Ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистонда қатор вазифаларни бир вақтнинг ўзида ҳал этиш учун катта инвестицияларни талаб қилади. Хусусий укладдаги капитал жамғариш етарли бўлмагани ва бу капиталнинг серкапитал соҳаларга ошиқмаганлиги сабабли миллий иқтисодиётдаги инвестиция юкини давлат ўз зиммасига олади. Бу эса инвестицияларнинг укладлараро тақсимланишига жиддий таъ-сир кўрсатади. Бунда ҳам инвестиция жараёнида давлат укладии устунлиги кузатилади. Ҳар иккала укладда ҳам давлат иштироки мавжуд. Бу кўрсаткич давлатнинг даромадларини қайта тақсимлаб, инвестиция ресурслари ҳосил этиш ва уни жойлаштиришда етакчи-лик қилишни кўрсатади.

Республикамизнинг Давлат инвестиция дастурида таркибий ўзгаришларни, қайта қуришларни кўзда тутувчи соҳалар, йўналишлар белгиланганки, уларга маблағлар хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳимдир. «Бунинг учун ички сармояларни ҳам, ташқи кре-дитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарурдир»[1].

Хорижий инвестицияларни жалб этишда инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва амалга ошириш услуби ва услубиётини ишлаб чиқиш масалалари ғоят муҳим ҳисобланади. Жаҳон амалиётида фақат муҳим лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатадиган ва кенг тарқалган инвестиция лойиҳалари цикли концепцияси мавжуд.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, давлат томонидан лойиҳаларни бошқариш энг самарали услубиётдир, чунки бу услубиёт турли режалаштириш ва назорат усулларидан малакали фойдаланишда рискларни бошқариш, низоларни ҳал қилиш имкониятларини бе-ради. Инвестиция лойиҳалари турли инвестиция фаолиятларини режалаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш услубини қўллашга имкон беради. Режалаштириш, ҳужжатлаштириш, таҳлил ва баҳолаш услубиёти эса, инвестиция имкониятлари-ни таққослашга имкон беради.

Жаҳон амалиётида лойиҳаларнинг мураккаблигига қараб уларни бошқаришнинг турли усулларидан фойдаланилади. Лойиҳалар-ни ишлаб чиқиш, улар самарасини белгилаш, уларни танлаш ва амалга ошириш, шунингдек, уларни ички ва ташқи

---

[1] Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. «Ўзбекистон» . 1995. 243 бет.

ресурслар ҳисобидан молиялаштиришда мамлакатнинг халқаро бозорга чиқиши кучли замин ва асос ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш учун инвестиция қарорларини қабул қилишнинг барча даражаларида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, танлаб олиш ва амалга ошириш бўйича ягона мукаммал тизимни шакллантириш талаб этилади. Ягона мукаммал тизимни қўллашда жаҳон амалиётида синовдан ўтган ва эътироф этилган, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, таҳлил қилиш стандарт усулига таяниш зарур.

«Корхонага бир қатор муқобил инвестиция лойиҳаларини таклиф қилинаётган ҳоллар кўп учрайди. Бундай ҳолларда энг қулай лойиҳаларни танлаб олиш учун бир нечта лойиҳани бирбирига қи-ёслаш зарурияти пайдо бўлади. Кейинги йилларда кўзга ташланаётган иқтисодий ўсиш тамойилига иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришдаги жонланиш кўп жиҳатдан асос бўлмоқда»[1]. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мамлакатнинг ташқи бозорга чиқиши ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариши стратегияси асосида амалга оширилиши зарур. Миллий иқтисодиёт манфаатлари лойиҳаларни танлаш, шунингдек, уларни амал-га оширишда устувор ва асосий мезон бўлмоғи лозим.

Шундай қилиб, инвестиция кенгайтирилган такрор ишлаб чиқа-ришни амалга оширишнинг муҳим омили. У ҳар қандай миллий иқ-тисодиёт учун муҳим ва долзарб ресурс ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари доирасида инвестиция фаолиятининг кучайиши инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва танловини ўтказишни такомиллаштириш, инвестициялаш учун зарур бўлган ишончли молиявий манбаларни излаб топиш, капитал бозорини тегишли солиқ сиёсати асосида ривожлантириш ва хорижий инвестицияларини жалб қилиш усулларини аниқлаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиш зурурриятини кўнда-ланг қилиб қўяди.

### 1.3. Ўзбекистон Республикасининг хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўналишлари

Республика иқтисодиёти учун инвестициялар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сармояларни тўғри молиялаштириш ва мониторингини олиб бориш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Шунинг учун иқтисодий сиёсатни олиб бориш, давлат бошқарув органларининг инвестиция жараёнларни тартибга солиши,

[1] Лойиҳани молиялаш-инвестиция лойиҳаларини кредитлашнинг самарали усули // Бозор, пул ва кредит. 2007. 1-сон. 64-66 бет.

иқтисодиётда давлатнинг аралашуви, халқаро битимларда иштирок этиши ва хорижий инвестицияларни жалб қилиши инвес-тицион муҳитга катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси Ўзбекистон Рес-публикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар билан мустаҳкамланган. Хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш йўлида солиқ қонунчилигида бир нечта имтиёзлар ўрин олган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосан, даромад (фойда) солиғидан қуйидагилар озод қилинади.

Шунингдек, бизнесни ривожлантириш учун ҳам кўпгина шарт-шароитлар, имтиёзлар яратилган. Чунончи, улар хорижий кредит линиялари орқали имтиёзли кредитлаш, кредит маблағлари ҳисобига ускуналар олишда қўшилган қиймат солиғидан, божхона тўловларидан озод этилиб, уларга давлат томонидан инвестицияларни амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча кўплаб имтиёзлар берилган.

Бугунги кунда республикамизда хориж инвестицияларини жалб қилиш ва инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича давлатнинг юритаётган сиёсати ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Бузор иқтисодиёти шароитида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш инвесторлар томонидан ташкил этилган ҳар хил манбалар, молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан, кредитлар эвазига қонунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига амалга оширилади.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш турли шакл ва усулларда олиб борилади. Ҳозирги вақтда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини шакллантириш, инвестиция лойиҳалари фаолиятининг бош муаммоларидан бири ҳисобланди. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилмоқда.

1. Инвесторнинг ўз молиявий ресурслари ва ички хўжалик ре-зервлари (фойда, амортизация ажратмалари, махсус резерв фондлар).

2. Инвесторнинг қарз маблағлари (банк кредити, бюджет кре-дити, облигация бўйича қарзлар).

3. Жалб қилинган молиявий ресурслар (акцияларни сотиш меҳнат жамоасининг пай ва бошқа кўринишидаги бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа бадаллари).

4. Бюджетдан инвестиция ассигнованиялар (маҳаллий, давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари).

5. Чет эл инвестиция лойиҳалари (чет эл кредитлари, тўғридан-тўғри чет эл инветиция лойиҳалари, қўшма корхоналар кўринишида).

6. Лизинг (инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг бир тури бўлиб, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, бино ва иншоот-ларни ижарага бериш).

Ушбу молиялаштириш шакллари ва манбаларининг ҳар бири ўзининг ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий жиҳатларига эга, шу сабабли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш шаклларини таҳ-лил қилиб энг қулай шакл ва усул танланади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, КФВ (Германия). Халқаро молиявий корпорацияси, ДГ(Германия), Хиповеренейс банк (Германия), Кросероудс Осиё кредит компа-нияси кредит линиялари фаолият кўрсатмоқда. Бу кредит линия-ларидан техника – технология ва асбоб ускуналарни импорт қилиш, са-ноат сектори, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитлар берилади. Чет эл инвестициялари жаҳон иқтисодиёти ва алоҳида бир мамлакат иқтисодиётини интернационаллашувида муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги вақтда тўғридан-тўғри чет эл инвестиция лойиҳалари халқаро савдога нисбатан тезроқ ўсмоқда ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаи сифатида аҳамияти ошмоқда.

Ҳозирги вақтда ривожланаётган давлатлар учун чет эл инвестицияларини жалб этиш катта амалий аҳамиятга эга. Чунки, биринчидан, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун асосий манбалардан ҳисобланса, иккинчидан, замонавий технологиялар кириб келиши, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мамлакат экспорт сало-ҳиятини олишга, янги иш ўринларини кўпайишига олиб келади, бу эса ўз-ўзидан аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишини кафолатлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизмида дав-лат иштирокининг фаоллиги объектив жиҳатдан миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ўстириш эҳтиёжлари билан боғлиқдир ва ҳамиша бевосита давлат харажатларига бориб тақалади. Харажатлар эса фискал воситалар орқали нодавлат секторларини молия-лаштириш учун фойдаланиш мумкин бўлган пул маблағлари ҳисобидан қопланади. Худди шу тартибда иқтисодиёт соҳаларидаги инвестиция лойиҳаларини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш ҳажмларини, шунингдек, бошқа манбалар ҳажмларини рес-публика бўйича тўртинчи жадвалдан кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция дастури лойиҳақидирув ишларидан бошлаб мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш учун объектни фойдаланишга топширишгача бўлган босқич-ларини назарда тутган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиб, ҳар йили дастурнинг асосий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва аниқ рўйхати янгиланган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади.

Инвестиция дастурининг таҳлилий қисми республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари билан ўзаро боғланган ҳолдаги капитал қўйилмалар ҳажмлари ва молиялаштириш манбаларини асослашдан, дастур самарадорлиги-ни баҳолаш, лойиҳаларни танлаб олиш мезонларидан иборат бўлади. Дастурнинг таҳлилий қисми таркибида инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш ва технологик таркибини ҳисобга олган ҳолда, умуман, дастур иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари, молиялаш-тириш манбалари ва ҳудудлар амалга ошириш йўллари бўйича капитал қуйилмалар таркиби белгиланади.

Марказлаштирилган манбалар ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда инвесторлар томонидан тасдиқланади. Бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари инвесторлар томонидан мустақил равишда тасдиқланади. Кредит ресурсларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг аниқ рўйхатлари тегишли кредит шартномаси ёки кредитловчи банкнинг ёзма розилиги мавжуд бўлганда тасдиқланади.

Республикамизда инвестициялар динамикаси, одатда, пул-кредит ва бюджет сиёсати орқали, шунингдек, чет эл инвестициялари-ни жалб қилиш билан барқарорлаштирилади. Инвестиция сиёсати-да икки йўл мавжуд, бири солиқ юкини енгиллаштириш ва маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга боғлаш, иккинчиси маблағларни давлат бюджети орқали тўплаш ва инвестиция дастурларини амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон учун иккинчи йўл мақбул деб олинган. ЯИМда ишлаб чиқариш соҳаси ҳиссасини ошириш мақсадларида рағбатлантириш йўли билан ишлаб чиқаришда инвестиция сиёсатини фаоллаштириш талаб этилади.

Инвестицияларнинг тармоқ тузилиши таҳлили кўрсатишича, сўнгги йилларда, биринчидан, давлат инвестиция сиёсатида асосий эътибор коммуникация билан боғлиқ секторларни ривожлантиришга қаратилди, иккинчидан, инвестиция тузилишида ноишлаб чиқариш соҳаси улушининг юқорилиги таъминланди, учинчидан, жами инвестицияларда давлат улушининг катта бўлиши таъминланди. Бу билан давлат нафақат бош ислоҳотчи, балки бош инвесторлик вазифасини ҳам ўтади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, лойиҳаларни дастурга киритишда минтақалараро аҳамиятга эга бўлган ва технологик бир-бирига боғлиқ лойиҳаларни, қишлоқ жойларда ва меҳнат ресурслари кўп бўлган минтақаларда бизнесни ривожлантиришни, республика экспорт салоҳиятини ўстиришни таъминлаш эътиборга олиниши керак.

Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари молиялаштиришга таъсир этиш, солиқ ва бошқа имтиёзларни бериш ва давлат мониторингини ташкил қилиш ҳисобланади. Молиялаштиришга таъсир этиш бу устувор инвестиция лойиҳаларни реализация қилиш учун аванс ва бошқа тўловларини қўшган ҳолда, бюджетдан қайтариб бериладиган ва қайтариб берилмайдиган бюджет

маблағларини ажратиш, шунингдек, ҳукумат кафолат берадиган чет эл кредитларини беришдан иборат. Албатта, дастур бўйича ёки ҳар бир лойиҳа бўйича солиқ имтиёзлари рўйхати қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Марказлашган молиявий ресурсларнинг кейинги йил прогноз лимитлари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодииёт ва статис-тика вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан сентябрдан кечик-масдан эълон қилинади. Марказлашган капитал қўйилмалар ҳисобидан давлат қўллаб-кувввватлаши керак бўлган устувор давлат лойиҳаларини амалга оширишни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция Дастурлари Департаменти билан Ўзбекистон Республи-каси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ва бошқа вазирликлар ҳамда идораларнинг биргаликдаги таклифи асосида аниқ-ланади. Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида давлат мониторингини ўтказиш давлат томонидан қилинадиган назоратнинг асосий механизми ҳисобланади.

Давлатнинг моливий назорат мониторингининг асосий вазифалари:

- чет эллик ҳамкорлар олдида қабул қилинган мажбуриятларни сўзсиз ижро этилишини таъминлаш;
- лойиҳани амалга ошириш жараёнида туғилган муаммоли масалаларни тезкорлик билан ечишини таъминлаш;
- инвестиция лойиҳаларини тасдиқланган ҳажмда ва белгилан-ган муддатда узлуксиз молиялаштиришни таъминлаш;
- дастурга киритилган лойиҳаларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда бошқа инвестиция жараё-ни қатнашчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- долзарб муаммоларни ўз пайтида ечишда уларнинг масъулиятини ошириш;
- инвестиция иқлимини такомиллаштириш учун таклифлар бериш.

Давлатнинг инвестиция фаолияти орқали амалга ошириладиган инвестициялар марказлашган инвестициялар (капитал қўйилмалар) бўлади. Марказлашган инвестициялар икки йўл билан амалга оширилади:

1. Тўғридан-тўғри давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли фонд ҳисобига молиялаштирилади.
2. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати билан чет эл инвестицияси жалб этилади.

Марказлашган инвестицияларни бошқариш давлат инвестицияси мақсадида объектларни аниқлаш ва шунга тааллуқли масалаларни ҳал этишдан иборат. Марказлашган инвестицияларни бошқариш жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув ор-ганлари томонидан берилган ваколат чегарасида амалга оширилади.

Давлат инвестициясининг энг асосий манбалари бюджет ажратмалари ва бюджет кредити ҳисобланади. Бюджет ажратмалари капитал қўйилмалар ва ноишлаб чиқариш

соҳаси объектлари, жумладан, соғликни сақлаш, таълим, маданият учун ишлатилади. Бу ҳолатда Молия вазирлиги чоракларга ажратилган молиявий ресурслар тўғрисида махсус фармойиш чиқаради. Молия вазирлигининг бюджет ҳисобрақамидан шу тармоқнинг корхона ва ташкилотининг капитал қўйилмалар махсус ҳисобрақамига маблағлар ўтказилади. Шу ҳисоб рақамидан мол етказиб берувчилар томонидан товар-моддий бойликлар ва бажарилган ишлар молиялаштирилади.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши, Тошкент иссиқлик электр станциясини модернизация этиш, Навоий шаҳри аэропортини реконструкция қилиш, Резаксой ва Оҳангаронсой сув омбори ҳамда бошқа объектларни барпо этиш билан боғлиқ йирик лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда. Арис-Ўзбекистон темир йўл тармоғи электрлаштирилди. Йўловчи ташиш поездларининг янги тезюрар йўналишлари ишга туширилди.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, ҳали мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Таҳлиллар кўрсатадики, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишда қуйидаги бир қатор омил-лар тўсқинлик қилмоқда:

- мамлакатдаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма даражасининг пастлиги;
- хорижий инвестицияни жалб этувчи корхоналарнинг ташқи бозорга чиқишда етарли билим ва тажрибага эга эмаслиги, халқаро бозордаги мавқеининг пастлиги;
- инвестиция жараёнида иштирокчи томонларнинг ўзаро бир-бирлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмасликлари ёки бу маълумотларнинг доимо ҳам тўлиқ ва ишончли бўлавермаслигидир.

Бу каби муаммо ва тўсқинликларни бартараф этиш учун мамлакатимизда қуйидаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- халқаро майдонда мамлакатимиздаги инвестиция муҳити, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқ, компания ва ташкилотларининг инвестицион имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни кенг тарғиб этиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тасдиқлаш каби тадбирларни кучайтириш;
- мамлакатмиздаги бозор ахборот хизматини ривожлантириш, маркетинг хизмати фаолиятини ва ташқи иқтисодий қонунчиликни фаоллаштириш;
- йирик хорижий банкларнинг филиалларини, халқаро компания ва корпорациялар ваколатхоналарини очиш учун етарли шароитлар яратиш;
- инфратузилма соҳасидаги (йўллар, транспорт, алоқа) қўшма инвестицияларни амалга оширишни фаоллаштириш;
- хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик стратегиясини, айниқса денгиз йўлларига чиқиб олиш ва шу орқали экспорт-импорт юк ташувларини амалга оширишга йўналтирилган, ўзаро фойдали кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Кадрлар тайёрлаш жараёнига таълим муассасаларининг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлик даражаси ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Шунга кўра, мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш дастурда алоҳида чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, бу борада ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бизнинг мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини ташкил этиш билан бевосита иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга ва модернизациялашга, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлашга ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришиш мумкин.